

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич

НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ
БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР 13

3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 19

4. АДILКАРИЕВА Феруза

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ 26

5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович

КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ
БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ..... 31

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна

ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА 36

7. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 42

8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли

АХБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ 49

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o'g'li

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ТАРАФЛАР ИХТИЙОРИГА БОГ'ЛИҚ ВО'ЛМАГАН HOLATLAR
ВО'ЙИЧА БЕКОР ҚИЛИНИШИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ 54

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. ЮНУСОВ Ҳайдарали

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ:
МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ 61

11. МАХАМАТОВ Махмуд

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 69

12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич

МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 74

13. РАШИДОВА Комила Искандаровна

ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК
МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ 81

14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	87
15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ	91
16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ.....	96

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	102
18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ	107
19. ЮЛДАШЕВА Говхержан САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	112

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўгли

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

ORCID-0000-0002-9867-3363

E-mail: jafarbak22@mail.ru

АХБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ИЛХОМБЕКОВ Ж.И. Ахборот тушунчаси, моҳияти, ҳуқуқий жиҳати ва кафолатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) Б. 49-53.



6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада ахборот тушунчаси, моҳияти, ҳуқуқий жиҳати ва кафолатлари қонунчилик нуқтаи назаридан илмий таҳлил қилинди. Ахборотга берилган таърифлар кўриб чиқилди. Ахборотнинг бугунги глобаллашув давридаги таъсири баҳоланди. Нисбатан янги ҳуқуқ, яъни ахборот ҳуқуқининг ўрни ва аҳамияти илмий асослаб берилди. Ахборот тушунчасига берилган чет эл олимларининг турли хил таърифлари ва ёндашувлари таҳлил қилинди. Олимларнинг ахборот тушунчасига ёндашувлари турлича эканлиги ва ахборотга берилган таърифлари ҳам бир биридан фарқланиши маълум бўлди. Ушбу таҳлил ва келтирилган фикрлар мамлакатимизда ахборот олиш ҳуқуқи эркинлиги таъминланишига замин яратди ҳамда ушбу жараён давлат ва жамият ривожига хизмат қилади. Мақолада ахборот соҳасини тартибга солувчи қонун нормаларига тўталиб ўтилди. Шунингдек, ахборот тарқатиш соҳасида учраётган камчиликлар аниқланди. Соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш борасида таклифлар берилди.

Калит сўзлар: ахборот, ахборот эркинлиги, ахборот олиш ҳуқуқи, ахборот алмашинуви, ахборот асри, ахборот жамияти, сўз эркинлиги, табиий ҳуқуқ, оммавий ахборот воситалари.

ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўгли

Самостоятельный соискатель

Ташкентского государственного юридического университета

ORCID-0000-0002-9867-3363

E-mail: jafarbak22@mail.ru

ПОНЯТИЕ ИНФОРМАЦИИ, СУТЬ, ЮРИДИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ И ГАРАНТИИ

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье были научно проанализированы понятие, сущность, правовые аспекты и гарантии информации, с точки зрения законодательства. Определение информации были пересмотрены. Оценено влияние информации в современную эпоху глобализации. Научно обоснована роль и значение относительно нового права, а именно право на информацию. Проанализированы различные определения и подходы зарубежных ученых к понятию информации. Стало известно, что ученые по-разному подходят к понятию информации и их определения отличаются друг от друга. Проведенный анализ и представленные мнения

создают основу для обеспечения свободы право на получение информации в нашей стране, и этот процесс служит развитию государства и общества. В статье рассмотрены нормы закона, регулирующие информационную сферу. В связи с чем, выявлены недостатки в сфере распространения информации и внесены предложения по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: информация, свобода информации, право на информацию, обмен информацией, информационный век, информационное общество, свобода слова, естественное право, средства массовой информации.

ILHOMBEKOV Jasurbek

Independent researcher of Tashkent State University of Law

ORCID-0000-0002-9867-3363

E-mail: jafarbak22@mail.ru

CONCEPT OF INFORMATION, ESSENCE, LEGAL ASPECTS AND GUARANTEES

ANNOTATION

In this scientific article, the concept, essence, legal aspects and guarantees of information were scientifically analyzed from the point of view of legislation. Definitions of information have been reviewed. The impact of information in today's era of globalization has been evaluated. The role and importance of a relatively new right, that is, the right to information, was scientifically substantiated. Various definitions and approaches of foreign scientists to the concept of information were analyzed. It became known that scientists have different approaches to the concept of information and their definitions of information differ from each other. This analysis and presented opinions create a basis for ensuring the freedom of the right to receive information in our country, and this process serves the development of the state and society. In the article, the norms of the law regulating the information sector were discussed. Deficiencies in the field of information dissemination were also identified. Proposals were made to improve the legislation.

Keywords: information, freedom of information, right to information, information exchange, information age, information society, freedom of speech, natural right, mass media.

Бугун биз ахборот асрида яшамоқдамиз. Шундай экан, бугунги кундаги дунёда кечаётган ахборот глобаллашуви даврида ҳар қандай давлатнинг қудрати унинг нечоғли ахборотга эгаллиги, мазкур тизимни қай тарзда йўлга қўйганлиги билан белгиланиши сир эмас. Шунингдек, ахборот оқимининг хилма-хиллиги кенг омма руҳияти ва онг-тафаккурини йўналтирувчи, шакллантирувчи куч сифатида баҳоланмоқда. Айни шу нуқтаи назардан мамлакатимизда ҳар кимнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни олиш, излаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги қонун ҳужжатлари билан таъминланган. Мамлакатимиз Конституциясининг 29, 30, 67-моддаларида ҳам оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, аҳолининг ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин ифодалаш ҳуқуқи, ҳар қандай кўринишдаги цензуранинг тақиқланганлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Кўриниб турибдики, ахборотнинг ўрни замонавий дунёда беқиёс. Фикримизни давом эттирган ҳолда, ахборот тушунчасига таъриф бериб ўтсак. Дастлаб бу борада қонунчилигимизга мурожаат қилсак. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуни 3-моддасида “ахборот” атамасига қуйидагича таъриф берилган: “ахборот – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъий назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар”дир [1].

Шунингдек, ахборотнинг кенг қамровли тушунча эканлигидан келиб чиқиб, унга қуйидагича таърифлар ҳам берилган:

1. Далил, воқеа, ходиса, предмет, жараён каби объектлар ҳақидаги билим ҳамда тушунчалар ёки буйруқлар;

2. Маълум хос матнда аниқ маънога эга тушунчаларни ичига олган далил, воқеа, ходиса, предмет, жараён, тақдимот каби объектлар ҳақидаги билимлар мажмуи;

3. Қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган, сақланиши ва қайта ишланиши лозим бўлган жами далил ва маълумотлар. Китоб матни, илмий формулалар, банк ҳисоб рақамидан фойдаланиш

ва тўловлар, дарс жадвали, ўлчаш мажмуаларининг ер ва фазо станцияси ўртасидаги масофа тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказолар ахборот бўлиши мумкин [2].

Ахборот тушунчасига ёндашувлар турлича бўлиб, олимларнинг ахборотга берган таърифлари ҳам бир биридан фарқланади. Улар ўз тадқиқот ишларида ахборотга бўлган қарашларини турлича ифодалаган. Шу ўринда олимларнинг “ахборот” атамасига берган таърифлари диққатга сазовор. Хусусан, Н.Б.Баранованинг ахборот ҳақидаги фикрлари шундай, “ахборот одамлар мулоқотининг муҳим таркибий қисмидир, шунинг учун унинг сифати ва ҳаққонийлиги фақатгина ахлоқий тоифа ҳисобланмайди. Ахборотнинг ишончлилиги одамлар ўртасидаги тенг, самарали муносабатларининг асосидир. Шундай қилиб, ахборот инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида одамлар томонидан бир-бирига узатиладиган маълумотлар шахс ва бутун жамият ривожланиши учун қулай шарт-шароитларга эришиш воситасидир” [3].

А.А. Ишина эса ахборотни фойдаланувчи томонидан унинг мақсадлари, ўз олдига қўйган ва ҳал қилиниши керак бўлган вазифалари, фойдаланиладиган ахборот соҳасидаги билим даражаси асосида талқин қилинган моддий ва моддий бўлмаган дунёнинг ҳар қандай ҳодисаси ҳақидаги хабарлар, маълумотлар ёки билимларнинг мазмунини тушунади ва уни кейинчалик ўзгартириш ва моддий бўлмаган дунёга ўтказиш имкониятини таклиф қилади [4].

А.В. Кротов замонавий жамиятдаги ахборотларни акс эттирувчи объектда жонли ва жонсиз табиатнинг моддий ва идеал дунё объектлари ўртасида (объектлар ичида ҳам, улар ўртасида ҳам) юзага келадиган акс эттирилган нарсалар тўғрисида мавжуд бўлган хилма-хиллик деб билади [5]. Т.Ш. Иззатовнинг фикрига кўра эса, ахборот идеал ва моддий элементларини ўзида мужассамлаштирган, маълум бирликлар билан ўлчанадиган физик параметрлари, тан нархи ва баҳосига эга бўлган, эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш мумкин бўлган дуализмнинг ўзига хос хусусиятларига ва нусха кўчириш қулайлигига эга объектдир [6].

Олимларнинг фикрларидан кўриниб турибдики, улар ахборотга турлича таъриф берганлар лекин уларнинг умумий жиҳати ахборотнинг инсон тараққиётига хизмат қилишида десак бўлади. Бизнингча, юқорида келтирилган олимлар фикрларидан Н.Б. Баранова ва А.А.Ишинанинг ахборот ҳақидаги фикрлари назаримизда анча теран ҳамда ҳаётий дея оламыз.

Умуман олганда, юқорида келтирилган олимларнинг фикрини ҳисобга олсак уларнинг ҳар бир фикрида жон бор. Чунки улар ўз тадқиқотларида ахборотнинг ўрни, зарурияти, мавқеи, жамият ва давлат механизмидаги ўринларини ёритганлар. Улар ўз тадқиқот ишларида имкон қадар ахборот тушунчасига кенг ва оммавий тарзда таъриф беришга интиланлар. Ушбу олимларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, биз қуйида яна бир қанча олимларнинг ўз изланишларида ахборот ҳақидаги фикрлари билан танишиб ўтамыз.

Шу ўринда олимларнинг “ахборот” тушунчасини қандай ёритганликлари ва ахборотнинг бугунги кундаги ўрнига қандай таъриф берганликларини кўриб ўтсак. Хусусан, Н.Б.Баранованинг таъкидлашича, ахборот замонавий цивилизациянинг энг муҳим омилларидан биридир. XXI аср – ахборот асри деб аталмоқда ва “ахборот” атамаси ўзининг соф техник ёки фалсафий маъносини йўқотди. Ҳозирги вақтда ҳатто “инфоносфера” атамаси ҳам қўлланилиб, жаҳон ахборот макони инсон саъй-ҳаракатлари билан яратилганлигини таъкидламоқда. Замонавий олимлар ҳатто цивилизациянинг учинчи янги тури - “ахборот” цивилизацияси (биринчиси “аграр”, иккинчиси “саноат”) пайдо бўлаётганини таъкидлашмоқда [3]. Ушбу фикрни давом эттирган ҳолда, бугунги кунни ахборот даври дея бемалол баралла айтиш мумкин. Чунки, ахборотсиз ҳеч бир соҳа ривожлана олмайди ва балки таназзулга юз тутади. Зеро, ахборот бугуннинг асосий элементи ҳисобланади.

Фикримизнинг далили сифатида қуйида олим Т.Ш.Иззатовнинг фикрларини келтирамыз. Унинг таъкидлашига кўра, замонавий жамиятда ҳаётнинг ҳеч бир соҳаси, ривожланган ахборот тузилмасисиз фаолият кўрсата олмайди. Миллий ахборот ресурси бугунги кунда давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Ахборот давлат фаолиятининг барча соҳаларига кириб борган ҳолда, аниқ сиёсий, моддий ва қиймат ифодаларини ўз ичига олади [6].

Олимларнинг ахборот, унинг ҳуқуқий жиҳати, аҳамияти ва зарурияти ҳақидаги фикрларини келтириб ўтсак. Хусусан, Н.Б. Баранова ахборот ҳақида замонавий дунёда ахборот ҳақиқатан ҳам нафақат иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий ресурс, балки давр қиёфасини белгиловчи омилга ҳам айланди, дейди. Олим ахборотга доир тадқиқотларнинг долзарблигини ҳам таъкидлаб, шу сабабли, ахборотнинг ҳуқуқий жиҳати билан боғлиқ тадқиқотлар, айниқса, бу муаммо инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлса жуда долзарбдир, дейди. Олим бугунги кунда долзарб мавзуга айланиб улгурган ва кўплаб олимларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган ахборот

эркинлигига ҳам тўхталиб ўтади. Зеро ахборот эркинлиги бу фуқароларнинг жамият ва давлат аъзоларининг ҳозирги кундаги таъбир жоиз бўлса табиий ҳуқуқига айланиб улгурди. Унга кўра ахборот жамияти, жамият ҳаётининг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатларини сифат жиҳатидан ўзгартириб, ахборотдан фойдаланиш ва уни тарқатиш эркинлиги муаммосини кун тартибига қўяди [3].

Ривожланиш даврида инсонпарвар ва маърифатли ҳуқуқшунослар, олимлар ва ёзувчилар узоқ вақтдан бери давлат ёки шахснинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган муайян шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг мавжудлигини тан олишган, ҳис қилишган, кашф этишган. Улар, бу ҳуқуқ ва эркинликларни инсонларнинг туғилиши билан физика ёки табиат қонунлари каби ўзлари билан бирга дунёга келган ва шунинг учун уларни табиий деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам табиий ҳуқуқлар инсонларнинг ажралмас узвий ҳуқуқлари ҳисобланади ва уларнинг бу ҳуқуқларини поймол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ушбу хусусда Т.А. Тимербаевнинг фикрлари ўринлидир. Унга кўра, биринчи навбатда, яшаш ҳуқуқи, шахс ва хусусий мулк дахлсизлиги, ҳар қандай шароитдан қатъий назар одамларнинг тенглиги, уларнинг репродуктив ҳуқуқлари ва бошқаларни ўз ичига олади. Бу ерда биз ахборот олиш ҳуқуқини ҳам табиий ҳуқуққа киритишимиз мумкин, гарчи бу ҳодисанинг ўзи яқин орада ходиса ўлароқ туғилган бўлса-да, бу ҳодиса ахборот асрида узвий ҳуқуққа айланди. Ва бу ҳатто ҳуқуқнинг янги соҳасини – ахборот ҳуқуқини вужудга келишига замин яратди [7].

Олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, ахборот ҳаётимизнинг ажралмас ва кундалик мулоқот шаклига айланиб улгурди. Ахборотсиз бугун ҳеч ким ўз ҳаётини, келажагини тасаввур қила олмайди. Зеро, “Ахборот асри”, “Ахборот жамияти” сингари атамалар сўнгги пайтларда бот-бот эшитиладиган ва жуда таниш терминларга айланиб улгурди.

Ушбу соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, ахборот соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва уни кафолатлаш мақсадида мамлакатимиз парламенти томонидан бир қанча қонун нормалари қабул қилинди. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ахборот дунёси фаолиятини тартибга солувчи кўплаб қонун нормалари ишлаб чиқилди. Сўз эркинлигини таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини самарали йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизда 20 дан ортиқ қонун қабул қилинди, улар орасида: “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ушбу қабул қилинган қонунлар ахборот олиш, тарқатиш ва ахборот эркинлигида муҳим роль ўйнади.

Ахборот соҳасининг муҳим қисми саналган оммавий ахборот воситаларига тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Қонунчилигимизда ушбу соҳани тартибга солиш ва ҳуқуқий кафолатлаш мақсадида 2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинади. Мазкур қонун ахборот алмашинуви соҳасини бевосита тартибга солиш ва оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий кафолатлаш мақсадида қабул қилинади. Хусусан, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида “Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга берилладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади), қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир” [8], дея оммавий ахборот воситаларига таъриф бериб ўтилади.

Ушбу соҳа фаолияти қонун билан тартибга солинган бўлсада, соҳада қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, қонуннинг 7-моддасида цензурага йўл қўйилмаслига ҳақида норма мавжуд. Ҳудди шундай норма Конституциямизда ҳам бор, лекин амалда ушбу нормаларнинг бузилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Кейинги йилларда оммавий ахборот соҳаси вакилларига нисбатан тазйиқ ва таҳдидлар, улар шаънини булғашга бўлган ҳаракатлар учраб турибти. Ушбу ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида, бизнинг фикримизча Конституцияга тегишлича 67¹-модда қўшилиб қуйидаги таҳрирда киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди: “Радио, телевидение, Интернет, матбуот

ёки ахборот тарқатишнинг бошқа воситаларига, шунингдек ушбу ташкилот ходимларига эфир ёки ҳар қандай янгиликларни узатганлиги, нашр этганлиги, аудио, аудиовизуал ёки электрон ускуналарда бундай материалларни оммага ошкор қилганлиги муносабати билан уларга босим ўтказиш, шаънини таҳқирлаш, улар фаолиятини тўхтатиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тақиқланади”.

Мухтасар қилиб шуни таъкидлаш жоизки, биз “ахборот”, “ахборот ҳуқуқи”, “ахборот алмашинуви” “оммавий ахборот воситалари” каби атамаларга тўхталиб ўтдик. Ушбу тушунчаларнинг ҳуқуқий табиатини очиб беришга ҳаракат қилдик. Тадқиқотчи олимларнинг фикрларини, қарашларини имкон қадар ўз нуқтаи назаримиз орқали таҳлил қилдик. Шунингдек, қонунчиликка бўлган тақлифларимизни ҳам келтириб ўтдик.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 12.12.2002 йилдаги ЎРҚ-439-II -сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/acts/52268>.
2. Садирдинов З. // Ахборот тушунчаси ва унинг турлари // URL: <https://znanio.ru/media/ahborot-tushunchasi-va-uning-turlari-2522048>
3. Баранова Н.Б. Конституционное право граждан на информацию и его реализация в Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. - Москва, 2005.
4. Ишина А. А Реализация конституционного права на информацию подразделениями информации и общественных связей МВД России: Автореф. дисс... канд. юрид. наук: 12.00.02. - Санкт-Петербург, 2005.
5. Кротов А. В. Конституционное право граждан на информацию и свободу информации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. - Казань, 2007.
6. Иззатов Т.Ш. Механизм реализации конституционного права граждан на информацию в Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. - Москва, 2002.
7. Тимербаев Т.А. Конституционное право граждан Российской Федерации на доступ к информации: Региональный аспект: Дисс. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. -Уфа, 2006.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” 15.01.2007 йилдаги ЎРҚ-78-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/1106870>